



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 4 » декабрь

№ ПҚ–368

Тошкент шаҳрида транспорт тизими бошқарувини такомиллаштириш ҳамда тирбандликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Тошкент шаҳрида транспорт тизими бошқарувини такомиллаштириш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг қулай ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, шунингдек, йўлларда тирбандликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар Тошкент шаҳрида транспорт тизими бошқарувини такомиллаштириш ҳамда тирбандликларнинг олдини олиш бўйича устувор йўналишлар этиб белгилансин:

- (а)** илмий ёндашув, илғор хорижий тажриба ва рақамли технологияларни қўллаган ҳолда Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг замонавий техник ечимларини ишлаб чиқиш орқали **транспорт оқимини самарали бошқариш** ва тирбандликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- (б)** Тошкент шаҳрининг **транспорт инфратузилмасини ривожлантириш** лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- (в)** **жамоат транспорти** ҳаракатини ташкил этиш ва тартибга солиш, унинг жозибadorлигини ошириш;
- (г)** Тошкент шаҳри кўчаларида **йўл ҳаракатини ташкил этишнинг** техник воситаларини ўрнатиш, алмаштириш, сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, ушбу ишларга аутсорсинг асосида хусусий секторни жалб қилиш;

(д) йўл ҳаракати иштирокчиларининг **транспорт маданиятини** ошириш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Тошкент шаҳри транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

(а) аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражасини **60 фоизга** етказиш;

(б) электробусларнинг жамоат транспортдаги улушини **50 фоизга** етказиш;

(в) автобуснинг ўртача ҳаракат тезлигини **18 км соатдан 24 км соатга** етказиш;

(г) метрополитен тармоғи узунлигини **103 кмга** етказиш;

(д) Тошкент шаҳридаги **1000 км** автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

(ж) транспорт воситалари учун **150 минг** ўринли тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш;

(з) **16 та** йўл ўтказгич ва тоннеллар барпо этиш;

(и) **2 600 та** автобус бекатларини намунавий лойиҳа асосида реконструкция қилиш;

(к) ягона бошқарув тизимига эга интеллектуал светофорлар билан жиҳозланган “ақлли” чорраҳалар сонини **700 тага** етказиш;

(л) **200 км** пиёдалар йўлаги ва **170 км** велосипедлар учун махсус йўлаклар ташкил этиш.

II. Тошкент шаҳрида транспорт тизимини самарали бошқаришни ташкил этиш

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг масъулияти чекланган жамият шаклидаги Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ҳафта муддатда:

(а) Адлия вазирлиги билан биргаликда Марказни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин;

- (б) Марказни Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси 51а-уй манзилидаги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин;
- (в) Марказ фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган мебель, компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- (а) **замонавий рақамли ва “яшил” технологияларни қўллаш** орқали Тошкент шаҳрида транспорт, йўловчи ва пиёдалар оқимларини узлуксиз мониторинг қилиш асосида йўл ҳаракатини ташкил этиш, бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, тирбандликларнинг олдини олиш ишларини самарали амалга ошириш;
- (б) илғор халқаро тажрибага асосланган шаҳар автомобиль йўллари тармоғи, кўчалар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш**, амалиётга татбиқ этиш ва самарадорлигини баҳолаш;
- (в) йўл ва транспорт соҳаларидаги барча объектлар ҳамда жараёнлар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини, шу жумладан, **Тошкент шаҳрининг транспорт мастер режасини яратиш** ва улар асосида шаҳар йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- (г) энг яхши халқаро амалиётларни қўллаган ҳолда йўл ва транспорт соҳалари билан боғлиқ бўлган **барча муассаса ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш**;
- (д) жамоат транспорти жозибадорлигини ошириш, шахсий автотранспорт воситаларидан фойдаланишни камайтириш ва аҳоли микромобиллигини қўллаб-қувватлаш орқали экологик вазиятни яхшилаш;
- (ж) **йўл ва транспорт соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш**, инвестиция ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш;
- (з) йўл-қурилиш, ободонлаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари махсус техникалари ҳаракатланиши, бажарган ишлари тўғрисида ва бошқа маълумотларни **Тошкент шаҳрининг интеллектуал транспорт тизими**га интеграция қилиш ва таҳлил қилиш орқали транспорт ишлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобига бюджет маблағлари сарфланиши самарадорлигини ошириш;
- (и) йўл ҳаракати иштирокчиларининг **транспорт маданиятини ошириш**, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасига доир бошқа тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган **тарғибот ишларини олиб бориш**;

- (к) ҳудудлардан кириб келадиган асосий автомобиль йўлларидаги жамоат транспорти бош бекатлари (автобус ва метро) кесишмаларида **транспорт воситаларининг кўп қаватли тўхтаб туриш жойларини** ташкил қилиш;
- (л) Тошкент шаҳри кўчаларида **транспорт воситаларининг йўлбўйи пулли тўхтаб туриш жойларини** ташкил этиш ва тартибга келтиришга кўмаклашиш;
- (м) Тошкент шаҳри ерусти метро линиялари ҳамда йўл ўтказгичлари остида, хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда, **транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларини** ташкил қилиш.

6. Қуйидагилар:

- (а) Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказининг функциялари **2-иловага** мувофиқ;
- (б) Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказининг ҳуқуқлари ва ваколатлари **3-иловага** мувофиқ;
- (в) Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази томонидан ягона буюртмачи функцияси бажариладиган ишлар рўйхати **4-иловага** мувофиқ **тасдиқлансин.**

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

- (а) вазирлик ва идораларнинг **5-иловада** кўрсатилган ваколатларини **2028 йил 31 декабргача** бўлган муддатга ҳуқуқий эксперимент тариқасида Марказга ўтказиш;
- (б) Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳузуридаги ихтисослаштирилган монтаж қилиш ва фойдаланиш бошқармасининг амалдаги молиялаштириш тартибини **2026 йил 1 июлга қадар** сақлаб қолган ҳолда унинг ижро этувчи органи ваколатларини Марказга ўтказиш. Бунда Тошкент шаҳар ҳокимлиги мазкур бандга мувофиқ Марказга ўтказилаётган бошқарма муассиси ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

8. Белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар Марказ билан келишилган ҳолда амалга оширилади:

- (а) жамоат транспорти инфратузилмаси объектлари ва транспорт воситаларига **реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) ҳамда бошқа реклама воситаларини** дизайн-кодга мувофиқ жойлаштириш. Бунда Марказ билан келишиш доирасида тўлов амалга оширилмайди;

(б) шаҳардаги йўл ҳаракатига таъсири юзасидан кўприклар ва йўл ўтказгичлар, йўллар, кўчалар, темир йўл кесишмалари, шунингдек, ерусти йўловчи транспорти бекатлари, транспорт воситаларининг вақтинчалик ва доимий тўхтаб туриш жойлари ҳамда йўлбўйи минтақасида жойлашган автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари, электромобиллар учун қувватлаш станциялари, реклама ҳамда бошқа конструкцияларни жойлаштириш объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш лойиҳалари.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Тошкент шаҳрида:

(а) 2026 йил 1 апрелдан бошлаб:

(i) ҳуқуқий эксперимент доирасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг буюртманомалари (буюртмалари) ёки ташишнинг бошқа шартномалари бўйича йўловчилар ҳамда багажни ташишда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда транспорт ишларини бажариш юзасидан давлат буюртмачиларининг пудратчилар билан тузиладиган шартномаларида транспорт ишларини бажариш учун фойдаланиладиган транспорт воситаларини навигация-алоқа қурилмалари ва датчиклар билан жиҳозлаш ҳамда уларни интеллектуал транспорт тизимига улаш шarti киритилади;

(ii) жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўллар, йўлаклар ва бошқа йўл инфратузилмаси объектларида қурилиш ишларини олиб бориш, йўл объектини ҳар қандай кўринишда таъмирлаш, бузиш, қазиш, ўзгартириш ёки реконструкция қилишга рухсатнома белгиланган тартибда Марказ томонидан берилади. Бунда рухсатнома бериш тартиби ва тўлов миқдори Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши томонидан белгиланади;

(iii) жамоат транспортида ташиш хизматларини кўрсатувчи ташувчилар томонидан ўзлари фойдаланаётган ахборот тизимларини Марказ томонидан тасдиқланган регламентга мувофиқ интеллектуал транспорт тизимига интеграция қилиш чоралари кўрилади;

(б) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб мазкур банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган давлат буюртмачилари пудратчилар билан тузиладиган шартномалар бўйича транспорт ишларини қабул қилиш ва унга ҳақ тўлаш бажарилган ишлар ҳажми Марказ томонидан тасдиқланганидан сўнг амалга оширилади, бундан брутто шартномалари мустасно. Бунда давлат буюртмачилари Марказ билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишига йўл қўйилади.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Транспорт вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **2028 йил 1 декабрга** қадар мазкур қарорга асосан амалга ошириладиган ҳуқуқий эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

III. Ахборот тизимларини жорий этиш ва рақамлаштириш

11. Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрининг транспорт ва йўл инфратузилмасини бошқаришнинг замонавий ахборот технологиялари билан интеграциялашган, қуйидагиларни назарда тутувчи **интеллектуал транспорт тизими** ишлаб чиқиладиганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

(а) видеокузатув воситалари ва сенсорлардан фойдаланган ҳолда транспорт, пиёда ва йўловчи оқимлари тўғрисида маълумотлар йиғиш;

(б) транспорт ва пиёда (жумладан, индивидуал ҳаракатланиш воситалари) оқимларини таҳлил қилиш асосида светофор объектларини бошқариш, шу жумладан, светофор фазаларини автоматик тарзда мослаштириш;

(в) агар ҳаракат жадвалидан четга чиқилса, махсус (тез ёрдам, ёнғин хавфсизлиги хизмати, йўл-патрул хизмати) ва жамоат транспорти воситалари ҳаракатининг устуворлигини таъминлаш;

(г) автотранспорт воситалари, шу жумладан, махсус техникалар ҳаракатини мониторинг қилиш, қурилиш ҳамда махсус техникаларнинг махсус механизмлари ишини назорат қилиш;

(д) б-иловада кўрсатилган ташқи ахборот тизимларидан маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш;

(ж) юк ташиш каркаси қоидаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларининг оғирлик ва ҳажм кўрсаткичларини назорат қилиш;

(з) **интеллектуал транспорт тизимини** Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг Ситуацион марказига интеграция қилиш ҳамда автотранспорт воситаларининг нормативларга мослиги даражасини автоматик баҳолаш тизими ёрдамида экологик тоифаси ҳудуднинг экологик зонасига мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситаларини аниқлаш тизимини йўлга қўйиш;

(и) йўл-транспорт ҳодисаси хавфи юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш, улар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

- 12. Белгилансинки, Марказ Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида яратилаётган интеллектуал транспорт тизимини ишлаб чиқиш бўйича техник буюртмачи ва унинг оператори ҳисобланади, тизимни амалиётга татбиқ этади ва эксплуатация қилади.**
- 13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:**
- (а) 2026 йил 1 майга қадар** интеллектуал транспорт тизимини ишлаб чиқиш учун техник топшириқ Марказ томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига тақдим қилинишини;
 - (б) 2027 йил 1 мартга қадар** интеллектуал транспорт тизими дастурий таъминоти (тизимлари билан бирга) Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан уни қўшимча жиҳозлаган ҳолда Тошкент шаҳри вазиетлар марказининг сервер қувватларига жойлаштирилишини;
 - (в) 2026 йил 1 сентябрга қадар** Тошкент шаҳрининг транспорт мастер режасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, жумладан, йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўллари, кўприклар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш ҳамда модернизация қилиш, шунингдек, шаҳарда йўл ҳаракати самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлашни таъминласин.
- 14. Рақамли технологиялар вазирлиги:**
- (а) 2027 йил 1 февралга қадар** техник топшириққа мувофиқ интеллектуал транспорт тизими ишлаб чиқилиши, фойдаланиш учун функционал буюртмачига топширилишини;
 - (б) вазирлик, идора ва ташкилотларнинг мазкур қарорга 6-иловага мувофиқ** ахборот тизимлари интеллектуал транспорт тизимига интеграция қилинишини таъминласин.
- 15. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи “Қулай муҳит” ва “Ҳокимият монитори” ахборот тизимларини яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:**
- (а) маъмурий видеокузатув тизимлари орқали:**
 - (i) ободонлаштириш ва қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ** ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунбузилишларни автоматик қайд этиш;
 - (ii) ободонлаштириш жараёнларини, шу жумладан, махсус техникалар** ҳамда коммунал хизматлар, бошқарув сервис компаниялари ишларини автоматик тарзда бошқариш ва назорат қилиш;

- (iii) тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари режаларининг шакллантирилишини ҳамда бажарилган ишлар ҳажмларини автоматик тарзда тасдиқлаш;
- (iv) маҳалла ҳудудида гиёҳванд моддалар тарқатилишининг олдини олишга кўмаклашиш;
- (б) рақамли видеодофон тизимлари орқали:
 - (i) турар жой бинолари атрофини назорат қилиш;
 - (ii) аҳолини тезкор хабардор қилиш ва тўғридан-тўғри қайта алоқа ўрнатиш;
 - (iii) коммунал хизматлар ҳамда бошқарув компаниялари фаолияти шаффофлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни тезкор ҳал қилиш ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;
- (в) диспетчерлик марказини ўз ичига олувчи ягона шаҳар платформаси орқали:
 - (i) маҳаллалар ҳудудидаги ҳолатни тезкор мониторинг қилиш ва ҳудудларга хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилиш;
 - (ii) катта ҳажмдаги маълумотлар базаси (“Big Data”) таҳлили ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ҳисобига ободонлаштириш соҳасини бошқариш сифатини ошириш;
 - (iii) маҳаллалар ва бошқарув компаниялари рейтингини юритиш.

IV. Молиявий ресурслар

16. Белгилансинки:

- (а) Марказ устав капиталидаги **100 фоиз улуш** Тошкент шаҳар ҳокимлигига тегишли бўлади;
- (б) Марказ устав капиталининг дастлабки миқдори **90 миллиард сўми** ташкил этади, шундан:
 - (i) **50 миллиард сўми** Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига бир йиллик муддатга тақдим этиладиган ссуда;
 - (ii) **40 миллиард сўми** Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

17. Тошкент шаҳрида йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва йўл ҳаракатини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда **Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва Марказга топшириқ шартномаси асосида унинг маблағларини бошқариш ҳуқуқи берилсин.

18. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳамда фойдаланиш йўналишлари **7- ва 8-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

19. Белгилансинки:

- (а)** Марказ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Жамғарма харажатларининг йиллик консолидациялашган сметасини тасдиқлайди;
- (б)** жарималар ва мажбурий йиғимлар ҳисобидан Жамғармага келиб тушган маблағлар тўлиғича Жамғарманинг даромадлари ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилмайди;
- (в)** Жамғарма маблағлари Марказга унинг зиммасига юкланган функция ва ваколатларни бажариш учун консолидациялашган сметага мувофиқ Марказ мол-мулкига маблағ киритиш тартибида, унинг устав капиталини оширмаган ҳолда ажратилади;
- (г)** **2027 йил 1 январдан бошлаб ҳар йили 1 июлга қадар** Марказ раҳбари томонидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига Жамғарма маблағларидан фойдаланганлик юзасидан ҳисобот бериб борилади.

20. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

- (а)** тижорат банкларида Марказ ҳисобварақлари очилади;
- (б)** Жамғарманинг ҳисобварақлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида очилади;
- (в)** Жамғарма ва Марказ маблағларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги мажбуриятлари бўйича ижро ҳужжатлари ва инкассо топшириқномаси асосида ундиришга йўл қўйилмайди;
- (г)** Марказга унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш ва функцияларни амалга ошириш учун беғараз ўтказиладиган Жамғарма маблағлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича тартиботларни соддалаштиришга доир тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритсин.

V. Ташкилий тадбирлар

22. Тошкент шаҳрида транспортни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш бўйича “йўл харитаси” **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

23. Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича идоралараро ишчи комиссия **10-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин. Идоралараро ишчи комиссия (Ш.Умурзаков) зиммасига Марказ фаолияти самарали ташкил этилиши ҳамда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан унинг зиммасига юкланган вазифалар бажарилишида юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал қилиш вазифаси юклатилсин.

- 24.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги таркибий тузилмасига ҳокимнинг транспорт ва йўл инфратузилмаси масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсин, шунингдек, бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони **5 штат бирлигидан** иборат бўлган Транспорт тизимини самарали ташкил этишни таъминлаш котибияти шакллантирилсин. Ушбу штат birlikлари Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.
- 25.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:
- (а)** ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қоидабузарликни (ушбу қоидабузарлик автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш воситалари орқали қайд этилган тақдирда) содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш;
- (б)** халқаро тажриба асосида, майда қоидабузарлик содир этганлик учун жарималар миқдорларини камайтирган ҳолда, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ қоидабузарликлар турларини кенгайтириш.
- 26.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йил 1 февралга қадар** йўл-транспорт ҳодисалари салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган, сунъий йўлдош навигацияси технологияларидан фойдаланган ҳолда “**олтин соат**” тамойили асосида шошилиш чоралар кўриш тизимини яратиш ва жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.
- 27.** Тошкент шаҳар ҳокимлиги Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
- 28.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Маҳкамов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ш.Б. Умурзоқов белгилансин.

29. Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 4 декабрдаги ПҚ–368-сон қарорига
1-илова

Тошкент шаҳри транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантиришнинг

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2026 йил	2027 йил	2028 йил	2029 йил	2030 йил
1.	Аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражаси	фоиз	43	47	50	56	60
2.	Электробусларнинг жамоат транспортдаги улуши	фоиз	30	35	40	45	50
3.	Автобусларнинг ўртача ҳаракат тезлиги	км/соат	19	20	21	23	24
4.	Метрополитен тармоғи узунлиги	км		76	85	90	103
5.	Тошкент шаҳридаги автомобиль йўллари таъмирлаш	км	100	100	250	250	300
6.	Транспорт воситалари учун тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш	минг та	30	30	30	30	30
7.	Йўл ўтказгич ва тоннеллар барпо этиш	та	2	3	3	4	4
8.	Автобус бекатларини реконструкция қилиш	та	300	500	600	600	600
9.	Ягона бошқарув тизимига эга интеллектуал светофорлар билан жиҳозланган ақлли чорраҳалар ташкил этиш	та	100	150	150	100	200
10.	Пиёдалар учун махсус йўлаклар ташкил этиш	км	40	40	40	40	40
11.	велосипедлар учун махсус йўлаклар ташкил этиш	км	20	35	35	40	40

Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказининг ФУНКЦИЯЛАРИ

1. Транспорт, йўловчи ва пиёдалар оқимлари параметрларини, йўл шарт-шароитларини, йўл ҳаракатининг мавжуд ташкилий ҳолатини, автомобиль транспортининг экологик зарари параметрларини, транспорт соҳасига “яшил” инструментларни жорий қилиш статистикасини, йўл-транспорт ҳодисаларини, транспорт воситаларининг доимий ва вақтинчалик тўхтаб туриш ҳамда сақлаш жойларига доир маълумотларни, ягона маълумотлар базасини шакллантиришни ўз ичига олган йўл ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни йиғиш.

2. Мавжуд транспорт оқимлари, йўл ҳаракатини ташкил қилиш схемалари ва стратегияларини баҳолаш.

3. Тошкент шаҳрининг транспорт мастер режасини ишлаб чиқиш ва актуаллаштириб бориш, шу жумладан, шаҳар йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўлларини, кўприкларни, бошқа инфратузилма объектларини қуриш ҳамда модернизация қилиш, йўл ҳаракати самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш.

4. Илмий ёндашув асосида ишлаб чиқилган йўл ҳаракатини ташкил қилиш схемаларини, йўл ва транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва модернизация қилиш ҳамда йўл ҳаракатини ташкил қилиш лойиҳаларини виртуал синовдан ўтказиш мақсадида шаҳар транспорт, йўловчи ва пиёдалар оқимларини математик моделлаштириш.

5. Йўл ва транспорт инфратузилмаси объектларидан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва актуаллаштириб бориш:

светофор объектлари ишларини тартибга солишни ўз ичига олган йўл ҳаракатини ташкил қилиш схемалари ва лойиҳалари;

индивидуал ҳаракатланиш воситалари ҳаракати ҳамда уларни вақтинчалик жойлаштириш инфратузилмасини, пиёдалар йўлакларини ўз ичига олган кўчаларни ободонлаштириш режалари ва дастурлари;

юк ташиш, экологик ва жамоат транспорти тезлиги каркаслари қоидалари;

транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларини ривожлантириш концепцияси.

6. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш, сақлаш, эксплуатация қилиш ва жорий таъмирлаш бўйича техник сиёсатни белгилаш ва амалга ошириш.

7. Тошкент шаҳри ҳудудида қуйидаги ишларни амалга ошириш учун тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш:

транспорт мастер режаси асосида йўл ҳаракатини ташкил этиш;

йўллар, йўл кесишмалари, кўприklar ва бошқа транспорт инфратузилмаси объектларини, йўл ҳаракатига таъсир кўрсатувчи муҳандислик-коммуникация тармоқларини, алоқа ускуналарини лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини режалаштириш;

интеллектуал транспорт тизими воситасида йўл ҳаракатининг автоматлаштирилган бошқарувини амалга ошириш.

8. Тошкент шаҳри ҳудудидаги транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари реестрини юритиш.

9. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари дислокацияси ва техник ҳужжатларини юритиш ҳамда уларнинг мувофиқлиги ва техник ҳолатини назорат қилиб бориш.

10. Йўл ҳаракатини ташкил этиш, йўллар, кўчалар, жамоат транспорти йўналишидаги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, жамоат транспорти бекатларини, транспорт воситалари тўхтаб туриш жойларини белгилаш, йўл ҳаракатига таъсир қиладиган реклама ва бошқа конструкцияларни жойлаштириш лойиҳаларини келишиш ва ўрнатиш.

11. Тошкент шаҳрида йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этишда дизайн-код ишлаб чиқишида иштирок этиш.

12. Транспорт соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, тўхтаб туриш жойларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ва техник тартибга солиш ҳужжатлари ҳамда йўриқномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

13. Қуйидагиларни:

автомобиль йўллари, транспорт инфратузилмаси объектлари, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари, жамоат транспорти бекатлари ҳолатини;

транспорт воситалари ва индивидуал ҳаракатланиш воситаларининг тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш меъёрларига риоя этилишини;

давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар доирасида пудрат ташкилотлари томонидан коммунал ва бошқа махсус техника ҳамда транспорт ишлари бажарилишини;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари ўрнатилишини назорат қилиш.

14. Йўл ҳаракатини ташкил этиш, йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотларни ўтказиш, шу жумладан, ушбу жараёнга юқори малакали хорижий экспертларни жалб қилиш.

15. Тошкент шаҳрида транспорт ва йўл инфратузилмасига доир халқаро, ташқи иқтисодий ва ҳудудлараро ҳамкорликни амалга оширишда иштирок этиш.

16. Марказга юклатилган вазифа ва ваколатлар доирасидаги бошқа функцияларни бажариш.

Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказининг ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

1. Вазирликлар, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти давлат ҳокимияти органлари, йўловчи ташувчи корхоналари, электромобиллар учун қувватлаш станциялари, транспорт воситаларининг вақтинчалик ва доимий тўхтаб туриш жойлари, индивидуал ҳаракатланиш (микромобил) воситаларининг қисқа муддатли ижараси операторлари, бошқарувчи компаниялар ва муассасалардан маълумотларни олиш.

2. Қуйидагиларни:

(а) йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларини;

(б) транспорт инфратузилмаси объектларини, шу жумладан, транспорт воситалари пулли тўхтаб туриш ва тўхташ жойларини ташкил қилишнинг ҳудудий зоналарини, электромобиллар учун қувватлаш станцияларини, индивидуал ҳаракатланиш воситалари учун тўхташ жойларини жойлаштириш схемаларини (жойларини);

(в) йўл ҳаракати қоидалари бузилишини, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва экология соҳаларидаги қонунбузилишларни фото ва видео воситаларида қайд этиш мажмуалари ҳамда интеллектуал транспорт тизими ускуналарининг жойлашиш нуқталарини;

(г) ерусти шаҳар йўловчи транспорти ташувчилари томонидан ташиш хизматлари тўғрисидаги ахборотни интеллектуал транспорт тизимига интеграция қилиш ва киритиш регламентини тасдиқлаш.

3. Қуйидагиларни:

(а) автомобиль йўлларининг айрим участкаларида ҳаракат тезлиги режимини;

(б) айрим турдаги транспорт воситаларининг, шу жумладан, юк транспорти воситаларининг ҳаракатига чекловлар ўрнатиш.

4. Йўл-транспорт инфратузилмаси объектларида (умумфойдаланишдаги йўллардан ташқари), муҳандислик-коммуникация ва алоқа тармоқларида давлат органлари ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган таъмирлаш ҳамда бошқа, жумладан, ободонлаштириш ишларини бажаришга рухсатнома бериш.

5. Юк ташиш каркаси қоидаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларининг оғирлик ва ҳажм кўрсаткичларини назорат қилиш.

6. Тошкент шаҳри транспорт мастер режасини, транспорт макромоделини, юк ташиш каркаси қоидаларини ва йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишга тўғридан-тўғри шартномалар тузиш.

7. Фото ва видео қайд этиш воситалари орқали тегишли жойлашув нуқталарида қайд этиладиган йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг рўйхатига ҳамда ушбу қоидабузарликлар юзасидан жарималар миқдорларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни тегишли органларга киритиш.

8. Фото ва видео қайд этиш воситалари орқали аниқланиши мумкин бўлган йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг рўйхати доирасида тегишли жойлашув нуқталарида қайд этиладиган қоидабузарликлар рўйхатини белгилаш.

9. Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича юзага келадиган салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан йўл ва транспорт инфратузилмаси объектларида ишларни бажарувчи, шунингдек, транспорт соҳасида хизматлар кўрсатувчи тегишли ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш.

10. Шаҳарда тирбандликларни камайтириш ва йўл ҳаракатини самарали ташкил этишга доир мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлган ташкилотлар вакилларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги тегишли ташкилотлар раҳбарларига таклифлар киритиш.

11. Йўл ва транспорт инфратузилмаси қисмлари бўлган объектларда (темир йўл ва авиация объектларидан ташқари), йўл бўйи минтақасида жойлашган ҳамда унга бевосита туташган ер участкаларида, шунингдек, транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари, жамоат транспорти бекатлари ва савдо автоматларини (вендинг) ташкил этиш ва фойдаланишни ўз ичига олган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида давлат шериги функциясини бажариш.

12. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган маблағлар ҳисобидан йўл ва транспорт соҳасига оид лойиҳаларни амалга оширишда Тошкент шаҳри ҳокимлиги манфаатларини ифода этиш.

13. Қурилиши (реконструкцияси) ва мукаммал таъмирланиши тугалланган йўл инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссия ишида иштирок этиш.

14. Хорижий ва маҳаллий экспертларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, уларга ва Марказ ходимларига бажариладиган ишлар мураккаблиги, сифати ва ҳажмидан келиб чиқиб табақалаштирилган иш ҳақини белгилаш.

**Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази томонидан
ягона буюртмачи функцияси бажариладиган ишлар
РЎЙХАТИ**

1. Тошкент шаҳрининг транспорт мастер режасини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш соҳасида стратегиялар, дастурлар, режалар, лойиҳалар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Тошкент шаҳрида автомобиль йўллари, йўл кесишмалари, кўприklar ҳамда бошқа йўл ва транспорт инфратузилмаси объектлари қурилиши, таъмири ҳамда реконструкциясининг транспорт (транспорт схемаларини ишлаб чиқиш, йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларини тайёрлаш, транспорт моделлаштириш) қисмини режалаштириш ва лойиҳалаштириш.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган кўчаларни шаҳар дизайн-кодига мувофиқ “фасаддан фасадгача” форматда ободонлаштириш, шу жумладан, пиёдалар учун махсус йўлаклар ҳамда шахсий транспорт воситаларида ҳаракатланиш учун инфратузилмани шакллантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларини, шу жумладан, светофор объектларини қуриш (лойиҳалаштириш билан), реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш.

5. Йўл бўйи ҳудудлари ва кўчаларда йўл ҳаракати ҳамда ободонлаштириш соҳасидаги қонун бузилиш ҳолатларини автоматлаштирилган тарзда қайд этишга мўлжалланган ахборот тизимлари ва ускуналарни, шу жумладан, “Қулай муҳит” ҳамда “Ҳокимият монитори” интеграциялашган тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, эксплуатация ва модернизация қилиш.

6. Транспорт (темир йўл ва авиация объектларидан ташқари) инфратузилмаси объектларида савдо автоматлари (вендинг) тармоғини ташкил этиш.

7. Тошкент шаҳрининг интеллектуал транспорт тизимидан, шу жумладан, транспорт воситаларининг оғирлик ва ҳажм назорати тизимидан фойдаланиш ва модернизация қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 4 декабрдаги ПҚ–368-сон қарорига
5-илова

**Вазирлик ва идораларнинг Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказига ўтказиладиган ваколатлари
РЎЙХАТИ***

Т/р	Ваколат тавсифи	Ваколат жорий эгаси
1.	Автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларини тасдиқлаш	Ички ишлар вазирлиги
2.	Транспорт (темир йўл ва авиация объектларидан ташқари) ва йўл инфратузилмаси объектларини, шу жумладан, транспорт ва йўл инфратузилмаси объектларида транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари, электромобиллар учун қувватлаш станциялари ҳамда савдо автоматларини (вендинг) жойлаштириш схемаларини (жойларини) тасдиқлаш	Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги
3.	Тегишли қоидабузарликлар жазоси муқаррарлиги ва профилактикасини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати ҳамда ободонлаштириш қоидалари бузилишларини фото ва видео қайд этишнинг автоматлаштирилган техник воситалари жойлашиш нуқталарини тасдиқлаш	Ички ишлар вазирлиги
4.	Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган автомобиль йўлларида жамоат транспорти устувор ҳаракатланиши учун алоҳида ажратилган йўлакларни жорий этиш	Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги
5.	Йўл ва транспорт инфратузилмаси объектларида (умумфойдаланишдаги йўллардан ташқари) турли даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар томонидан бажариладиган таъмирлаш ва бошқа ишларни, шу жумладан, ободонлаштириш ишларини, муҳандислик-коммуникация ҳамда алоқа тармоқларидаги ишларни амалга оширишга рухсатнома бериш	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
6.	Алоҳида кўчаларда ва зоналаштириш тамойили бўйича транспортнинг юқори ҳамда секин ҳаракат тезлигига доир тезлик режимини ҳамда айрим турдаги транспорт воситаларининг, шу жумладан, юк транспорти воситаларининг ҳаракатига чекловларни ўрнатиш	Ички ишлар вазирлиги
7.	Юк ташиш каркаси қоидаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш	Ички ишлар вазирлиги

* Ушбу ваколатлар Марказ томонидан 2026 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 4 декабрдаги ПҚ–368-сон қарорига
6-илова

**Вазирлик, идора ва ташкилотларнинг
Интеллектуал транспорт тизимига интеграция қилинадиган ахборот тизимлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ахборот тизими номи	Ахборот тизими оператори
1.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими, шу жумладан, “Жарима майдончаси” ахборот тизими	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати
2.	“Ташқи реклама” электрон рақамли мониторинг тизими	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Рақамли ривожланиш департаменти” МЧЖ
3.	Ерусти шаҳар йўловчи транспортда ташиш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ диспетчерлик хизматлари	Ташувчилар
4.	Ташувчилар томонидан йўналиш кўрсаткичлари бажарилиши мониторинги, бажарилган ишлар ҳажми ва сифатини белгилаш ҳамда баҳолаш, йўлқира ҳақи тўланиши назорати ва тақдим этилган хизматлар сифатини назорат қилиш тизимлари	Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар транспорт ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси ҳузуридаги “Йўловчи ташишни мониторинг ва назорат қилиш” давлат муассасаси
5.	“Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими (КААТ)	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
6.	“Хавфсиз шаҳар” интеграцияланган тизими	“Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази
7.	“Пулли тўхтаб туриш жойлари” ягона автоматлаштирилган ахборот тизими	“Тошкент Инвест компанияси” АЖ
8.	Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги
9.	Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими	Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
10.	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ахборот тизими	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўл ва транспорт инфратузилмасини
ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш
МАНБАЛАРИ**

Т/р	Манба номи	Тушум миқдори
1.	<p>Тошкент шаҳрида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси</p> <p><i>(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги ПҚ–4642-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган қисми тўлиқ ўтказилади)</i></p>	35 фоиз
2.	<p>Тошкент шаҳрида тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларидан ундирилган жарима суммаси</p> <p><i>(Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорига мувофиқ; ИИВнинг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтириладиган қисмининг 26 фоизи*; Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига йўналтириладиган қисмининг 20 фоизи; Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилган қисмидан 30 фоизи, Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган қисми тўлиқ, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган туман ва шаҳар ҳокимликлари йўл инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаларига йўналтириладиган қисми тўлиқ ўтказилади)</i></p>	25,5 фоиз
3.	<p>Тошкент шаҳрида “Хавфсиз шаҳар” интеграцияланган тизими ёрдамида аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун тўланадиган жарималардан ва кўрсатилган хизматлардан тушган тушумлар суммаси</p>	15 фоиз

	<p><i>(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПҚ–318-сон қарорига мувофиқ: ИИБ “Хавфсиз шаҳар” марказига йўналтириладиган сумманинг 1/12 қисми*; Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган қисми тўлиқ ўтказилади)</i></p>	
4.	<p>Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар ва кўрсатилган хизматлардан тушган тушумлар суммаси</p> <p><i>(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПҚ–3989-сон қарорига мувофиқ “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармасига ўтказиладиган қисмининг 8 фоизи ўтказилади)</i></p>	2 фоиз
5.	<p>Тошкент шаҳрида йўналишлардаги автобусларда ўрнатилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммалари уларни жамоат транспортини ривожлантиришга йўналтириш шарти билан</p> <p><i>(Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 мартдаги 116-сон қарорига мувофиқ “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармасига йўналтириладиган қисмининг 50 фоизи ўтказилади)</i></p>	10 фоиз
6.	<p>Тошкент шаҳрида автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома олиш ва ўзгартириш учун йиғимлар</p> <p><i>(Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 июлдаги 547-сон қарорига мувофиқ “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармасига йўналтириладиган қисми тўлиқ ўтказилади)</i></p>	20 фоиз
7.	<p>Тошкент шаҳрида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларидан ундирилган жарима ва кўрсатилган хизматлардан тушган тушумлар суммаси</p> <p><i>(Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 февралдаги 71-15-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига йўналтириладиган қисмининг 50 фоизи ҳамда ИИБ ЙХХХ моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган қисмининг 50 фоизи ўтказилади)</i></p>	15 фоиз

8.	“Қулай муҳит” ва “Ҳокимият монитори” интеграцияланган тизимлари орқали аниқланган қоидабузарликлар ва кўрсатилган хизматлардан ундирилган жарималар суммаси**	40 фоиз
9.	Ташқи реклама ерусти шаҳар йўловчи транспортда жойлаштирилганлиги учун тўланадиган маблағлар <i>(Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 мартдаги 116-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бошқармаси ҳузуридаги махсус жамғармага йўналтириладиган қисми тўлиқ ўтказилади)</i>	50 фоиз
10.	Давлат дастурлари асосида Тошкент шаҳри ҳудудида йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича алоҳида тадбирлар учун бюджет параметрларида ҳар йили назарда тутиладиган маблағлар	100 фоиз
11.	Марказ давлат шериги бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича давлат шеригига тўланадиган маблағлар	100 фоиз
12.	Тошкент шаҳри ҳудудида давлатга, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари таркибий тузилмаси ташкилотларига тегишли бўлган ер участкалари ва (ёки) мулкий мажмуаларида жойлашган транспорт воситаларининг пулли тўхтаб туриш ҳамда тўхтаб туриш жойларига транспорт воситаларини жойлаштирганлик учун тўловлардан тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган даромадлар суммалари	100 фоиз
13.	Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар	100 фоиз
14.	Давлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган грантлар суммаси	100 фоиз
15.	Халқаро молия институтлари ва банklar томонидан ажратиладиган кредитлар суммаси	100 фоиз
16.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия ва ҳомийлик маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар суммаси	100 фоиз

* Мазкур маблағлар ИИВ билан келишилган ҳолда Тошкент шаҳар ИИББнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун йўналтирилади.

** Мазкур жарима суммасининг қолган 40 фоизи маҳаллий бюджетга, 10 фоизи “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш марказига, 10 фоизи Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Тошкент шаҳрида йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприклар ва йўл кесишмалари тизимлари таҳлилини, уларни ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш режаларини, шунингдек, Тошкент шаҳрининг транспорт мастер режасини ишлаб чиқиш.

2. Таҳлилий тадқиқотлар ва энг яхши жаҳон тажрибалари мониторингини ҳамда техник ечимларни буюртма қилиш.

3. Стратегик ва техник ҳужжатларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар лойиҳаларини, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

4. Геодезия-картография, лойиҳа-қидирув ва лойиҳалаштириш ишларини, синовлар ҳамда сифат назорати тадбирларини ўтказиш.

5. Ахборот тизимлари ва дастурий-аппарат комплексларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, эксплуатация ва модернизация қилиш.

6. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ҳуқуқлар олиш.

7. Тошкент шаҳрининг интеллектуал транспорт тизимини ишлаб чиқиш ҳамда учинчи шахслар ахборот тизимлари ва ускуналари билан интеграциялашга доир ишларни бажариш ва алоқа каналларини ташкил этиш.

8. Ерусти шаҳар йўловчи транспортда ташувларни амалга оширувчи транспорт воситаларида ўрнатиш учун сервер ускуналарини, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини, қоидабузарликларни, шу жумладан, маҳаллаларда ободонлаштириш ва қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қоидабузарликларни автоматлаштирилган тарзда қайд этиш мажмуалари ҳамда ташкилий техникаларни етказиб бериш, монтаж қилиш, ишга тушириш, ишлатиш, таъмирлаш ва модернизация қилиш.

9. Автотранспорт воситаларини, шу жумладан, махсус транспорт воситаларини, автолабораторияларни, қоидабузарликларни автоматлаштирилган тарзда қайд этиш кўчма воситаларини харид қилиш ва ишлатиш.

10. Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) моддий-техника базасини шакллантириш, сақлаш ва ривожлантириш.

11. Ҳужжатлар, лойиҳалар, техник-тижорий таклифлар, харид тартиботларида қатнашиш учун буюртмалар, молиявий моделлар ва бизнес-режаларни экспертизадан ўтказиш.

12. Ускуналарнинг ўрнатилган техник талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга доир ишларни бажариш.

13. Маслаҳат хизматларига, шу жумладан ҳалқаро эксперт ташкилотлари ва экспертлар ишларига ҳақ тўлаш.

14. Бинолар, ускуналар, серверлар ва алоқа каналларини ижарага олиш.

15. Алоқа хизматларига ҳақ тўлаш.

16. Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш.

17. Марказ зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш доирасида жалб қилинган хорижий мутахассислар ва маслаҳатчилар хизматларига, шунингдек, уларни жалб этиш билан боғлиқ ташкилий харажатларга ҳақ тўлаш.

18. Марказ фаолияти соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида Марказ ва таркибий ташкилотлар ходимларининг хизмат сафарлари харажатларига ҳақ тўлаш.

19. Жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлакларни ташкил этиш ва сақлаш, аҳолининг микробиллигини ошириш мақсадида велойўлаклар ташкил этиш, йўл объектлари ва автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш.

20. Жамоат транспорти инфратузилмаси, шу жумладан, автобус бекатлари, охирги бекатлар, транспорт ўтиш боғламаларини қуриш, сақлаш ва фойдаланиш.

21. Аҳоли микробиллигини ошириш мақсадида велойўлаклар ташкил қилиш.

22. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, демонтаж қилиш.

Тошкент шаҳрида транспортни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
I. Тошкент шаҳрида йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари				
1.	<p>“China construction Fifth Engineering Division Co., Ltd.” компанияси (Хитой) билан ҳамкорликда:</p> <p>1-босқичда: Шаҳрисабз кўчасининг Амир Темур шоҳқўчаси билан кесишмасидан Миробод кўчаси билан кесишмасигача бўлган 3 километр қисми ва йўлбўйи инфратузилмасини автобуслар ҳаракати учун алоҳида йўлак ташкил қилган ҳолда таъмирлаш ва модернизация қилиш;</p> <p>Амир Темур шоҳқўчасининг Тошкент ҳалқа айланма йўлидан (<i>Учқаҳрамон айланмаси</i>) Кичик ҳалқа айланма йўлигача (<i>Шимолий вокзал</i>) бўлган 11 километр қисми ва Янги Сергели кўчасининг Чоштепа кўчаси билан кесишмасидан Қипчоқ кўчаси билан кесишмасигача бўлган 5,5 километр қисми ҳамда ушбу кўчалар йўлбўйи инфратузилмасини автобуслар ҳаракати учун алоҳида йўлак ташкил қилган ҳолда таъмирлаш ва модернизация қилиш;</p> <p>Маҳтумқули, Мирзо Улуғбек–Феруза–Юзработ, Лутфий ҳамда Муқимий, Нурафшон, Қоратош–Кўкча Дарвоза ва КХАЙ–Паркент кўчаларининг 38 км қисми ва йўлбўйи инфратузилмасини автобуслар ҳаракати учун алоҳида йўлак ташкил қилган ҳолда таъмирлаш ва модернизация қилиш (<i>заруратга кўра, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда кўчалар рўйхатига ва ёки иш ҳажмига ўзгартириш киритилиши мумкин</i>).</p>	<p>6 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p> <p>16,5 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p> <p>76 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p>	<p>2026 йил сентябрь</p> <p>2026 йил ноябрь</p> <p>2026–2029 йиллар давомида</p>	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги (<i>Умурзоқов</i>)</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>)</p> <p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> <p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги (<i>Умурзоқов</i>)</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	<p>2-босқичда: 16 та кўчанинг 36 километр қисми ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини таъмирлаш ва модернизация қилиш; Паҳлавон кўчасини Элбек кўчаси билан туташтирувчи Кичик ҳалқа йўли устидан ўтувчи ("ZO'R" TV яқинидаги) йўл ўтказгич қуриш;</p> <p>3-босқичда: 9 та кўчанинг 33 километр автомобиль йўллари ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини, шу жумладан, алоҳида ажратилган автобус йўлакларини, ҳимоя тўсиғи ҳамда пиёдалар хавфсизлигини таъминловчи қавариқ сунъий нотекикликларни ўрнатган ҳолда таъмирлаш ва модернизация қилиш;</p> <p>Юнусобод тумани Амир Темур шоҳкўчасининг Рихсили ва Янгишаҳар кўчалари билан кесишмасида (Юнусобод айланмаси) ерости автомобиллар туннелини қуриш;</p> <p>4-босқичда 15 та кўчанинг 50 километр автомобиль йўллари ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини, шу жумладан, алоҳида ажратилган автобус йўлакларини, ҳимоя тўсиғи ҳамда пиёдалар хавфсизлигини таъминловчи қавариқ сунъий нотекикликларни ўрнатган ҳолда таъмирлаш ва модернизация қилиш.</p>	<p>36,5 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p> <p>25,4 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p> <p>33,5 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p> <p>26,2 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p> <p>51 млн доллар Хитой банки (Bank of China)нинг давлат кафолатисиз кредити</p>	<p>2026 йил давомида</p> <p>2026 йил декабрь</p> <p>2027 йил давомида</p> <p>2027 йил давомида</p> <p>2028 йил давомида</p>	<p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
2.	<p>Кичик ҳалқа автомобиль йўлининг 19 километр (<i>Зиёлилар кўчасидан Шота Руставели кўчасигача</i>) бўлган қисми ва унинг йўлбўйи инфратузилмасини таъмирлаш ва модернизация қилиш.</p>	<p>150 млрд сўм <i>Ўзбекистон Республикаси республика бюджети</i></p>	<p>2025–2026 йиллар давомида</p>	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги (<i>Умурзоқов</i>),</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>Норқулов</i>)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
3.	Тошкент шаҳридаги 164,1 километр (820,5 минг метр квадрат) автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ишларини бажариш.	127,6 млрд сўм Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан	2026 йил давомида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов)
4.	Тошкент шаҳрида 150 мингта (шу жумладан, 40 мингта йўлбўйи) транспорт воситаларининг вақтинчалик тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича тегишли мулкий мажмуаларни (ер участкаси, бинолар, иншоотлар, автомобиль йўллари бўйи) ижара ҳуқуқи билан электрон аукцион ("E-auction") савдоларига чиқариш, жумладан: 2026 йилда 90 мингта (шу жумладан, 30 мингта йўлбўйи) транспорт воситалари тўхтаб туриш жойларини; 2027 йилда 60 мингта (шу жумладан, 10 мингта йўлбўйи) транспорт воситалари тўхтаб туриш жойлари.	Аукцион савдолари натижаси бўйича ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан	2026 йил якунига қадар 2027 йил давомида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)
5.	Тошкент шаҳридаги 1 785 та автобус бекатларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган талаблар асосида модернизация қилиш мақсадида тегишли мулкий мажмуаларни (автобус бекатлари, ер участкалари ва иншоотлар) ижара ҳуқуқи билан электрон аукцион ("E-auction") савдоларига чиқариш, жумладан: 2026 йилда 1 185 та автобус бекатлари; 2027 йилда 600 та автобус бекатлари.	Аукцион савдолари натижаси бўйича ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобидан	2026 йил якунига қадар 2027 йил давомида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
6.	Тошкент шаҳри кўчаларида 1,1 млн метр квадрат йўл ётиқ чизиқларини чизиш.	23,7 млрд сўм <i>Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда жамғармаси маблағлари ҳисобидан</i>	2025–2026 йиллар давомида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов), Ички ишлар вазирлиги (Ташпулатов)
7.	Марказ билан келишган ҳолда Тошкент шаҳри кўчаларидаги чорраҳаларга 30 та янги светофор объектларини қуриш ва реконструкция қилиш.	4,5 млрд сўм <i>Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда жамғармаси маблағлари ҳисобидан</i>	2026 йил 1 апрель	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов), Ички ишлар вазирлиги (Ташпулатов),
8.	Марказ билан келишган ҳолда Тошкент шаҳридаги 264 та чорраҳаларга металл конструкциялар қуриш ва ягона бошқарув тизимига эга бўлган янги светофорлар билан жиҳозлаш ҳамда интеллектуал фото-видео қайд этиш воситаларини ўрнатиш.	226 млрд сўм <i>хорижий молия ташкилотлари маблағлари ва хорижий банкларнинг давлат кафолатисиз кредитлари ҳисобидан</i>	2026 йил якунига қадар	Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), “Ўзбектелеком” АК (Хасанов)
II. Тошкент шаҳрида транспорт ҳаракатини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари				
9.	Масъулияти чекланган жамият шаклида Марказини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгаши таркибинини шакллантириш.	90 млрд сўм <i>(50 млрд сўм – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ссуда, 40 млрд сўм – Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан)</i>	2026 йил май	Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзоқов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
10.	Тошкент шаҳрида йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва йўл ҳаракатини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда Тошкент шаҳри ҳокимлигининг махсус жамғармасини ташкил этиш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил февраль	Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзоқов)
11.	Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳузуридаги ихтисослаштирилган монтаж қилиш ва фойдаланиш бошқармасини Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш марказига ўтказиш.	Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2026 йил апрель	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов), Ички ишлар вазирлиги (Ташпулатов)
12.	Тошкент шаҳрининг интеллектуал транспорт тизимини ишлаб чиқиш учун техник топшириқ тайёрлаш ва Рақамли технологиялар вазирлигига киритиш.	Ҳисоб-китобларга асосан Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2026 йил май	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)
13.	Тошкент шаҳрининг интеллектуал транспорт тизимини ишлаб чиқиш.	Ҳисоб-китобларга асосан хорижий молия ташкилотлари маблағлари ва хорижий банкларнинг давлат кафолатсиз кредитлари ҳисобидан	2027 йил февраль	Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), “Ўзбектелеком” АК (Хасанов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш мuddати	Масъул ижрочилар
14.	Тошкент шаҳрининг транспорт макромоделини ишлаб чиқиш.	2,6 млрд сўм Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2026 йил якунига қадар	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Транспорт вазирлиги (Махкамов)
15.	Йўл-қурилиш, ободонлаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари махсус техникалари ҳаракатланиши, бажарган ишлари ва бошқа маълумотларни Тошкент шаҳрининг интеллектуал транспорт тизимига интеграция қилиш.	Ҳисоб-китобларга асосан Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	Доимий	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)
16.	Вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини ушбу қарорга б-иловага мувофиқ Тошкент шаҳрининг интеллектуал транспорт тизимига интеграция қилиш.	Ҳисоб-китобларга асосан Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2027 йил август ойига қадар	Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), тегишли ахборот тизимлари операторлари бўлган вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
17.	Йўл ва транспорт соҳаларидаги барча объектлар ҳамда жараёнлар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини яратиш.	Ҳисоб-китобларга асосан Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2027 йил август	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)
18.	Тошкент шаҳрининг транспорт мастер режасини ишлаб чиқиш, шу жумладан, йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўллари, кўприклар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш ҳамда модернизация қилиш, шунингдек, шаҳарда йўл ҳаракати самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.	10,8 млрд сўм Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2026 йил август	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)
19.	Йўл ва транспорт соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш, транспорт воситаларининг вақтинчалик ва узоқ муддатли тўхтаб туриш жойлари, автобус бекатларини ташкил этиш ва эксплуатация қилиш лойиҳаларини ўз ичига олган инвестиция лойиҳалари ҳамда Марказ давлат шериги бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш.	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил апрель	Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзоқов)
20.	Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасига доир бошқа тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган тарғибот ишларини амалга ошириш.	Ҳисоб-китобларга асосан Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	Доимий	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
21.	<p>Қуйидагиларни яратиш, эксплуатация қилиш ва ривожлантиришни назарда тутувчи “Қулай муҳит” ва “Ҳокимият монитори” ахборот тизимларини яратиш:</p> <p>а) қуйидаги мақсадлардаги маъмурий видеокузатув тизимларини:</p> <p>ободонлаштириш ва қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунбузилишларни автоматик қайд этиш;</p> <p>ободонлаштириш жараёнларини, шу жумладан махсус техникалар ҳамда коммунал хизматлар, бошқарув сервис компаниялари ишларини бошқариш ва назорат қилишни автоматлаштириш;</p> <p>тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари режаларининг шакллантирилишини ҳамда бажарилган ишлар ҳажмлари тасдиқланишини (инсон омилини истисно қилган ҳолда) автоматлаштириш;</p> <p>маҳалла ҳудудида гиёҳванд моддалар тарқатилишининг олдини олишга кўмаклашиш;</p> <p>б) қуйидаги мақсадлардаги рақамли видеодомофон тизимларини:</p> <p>турар жой бинолари атрофини назорат қилиш;</p> <p>аҳолини тезкор хабардор қилиш ва тўғридан-тўғри қайта алоқани йўлга қўйиш учун қўшимча канал яратиш;</p>	Ҳисоб-китобларга асосан Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2027 йил февраль	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	<p>коммунал хизматлар ҳамда бошқарув компаниялари фаолияти “шаффофлиги”ни таъминлаш, мавжуд муаммоларни тезкор ҳал қилиш ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;</p> <p>в) диспетчерлик марказини ўз ичига олувчи, қуйидаги вазибаларга йўналтирилган ягона шаҳар платформасини:</p> <p>маҳаллалар ҳудудидаги ҳолатни тезкор мониторинг қилиш ва ҳудудларга хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>маълумотлар базаси (“Big Data”) таҳлили ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ҳисобига ободонлаштириш соҳасини бошқариш сифатини ошириш;</p> <p>маҳаллалар ва бошқарув компаниялари рейтингини тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда шакллантириш.</p>			
22.	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги таркибий тузилмасига:</p> <p>ҳокимнинг транспорт ва йўл инфратузилмаси масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритиш;</p> <p>бошқарув ходимларнинг умумий чекланган сони 5 штат бирлигидан иборат Транспорт тизимини самарали ташкил этишни таъминлаш котибиятини шакллантириш.</p>	<p>Тасдиқланган штат бирликлари асосида Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан</p>	<p>2026 йил февраль</p>	<p>Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Умурзоқов)</p>
23.	<p>Шаҳарнинг юк автомобиллар ҳаракатланиш йўналишлари (юк ташиш каркаси), экологик каркаси ва ерусти йўловчи транспорти тезлик каркасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш.</p>	<p>44,3 млрд сўм Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан</p>	<p>2026 йил август</p>	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
24.	<p>Қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>а) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини:</p> <p>ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қоидабузарликни (ушбу қоидабузарлик автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш воситалари орқали қайд этилган тақдирда) содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш;</p> <p>халқаро тажриба асосида, майда қоидабузарлик содир этганлик учун жарималар миқдорларини камайтирган ҳолда, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ қоидабузарликлар турларини кенгайтириш;</p> <p>б) зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини.</p>	Маблағ талаб этилмайди	2026 йил март	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов), Ички ишлар вазирлиги (Ташпулатов), Транспорт вазирлиги (Махкамов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
25.	Марказ ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган, автоматлаштирилган фото-видео қайд этиш техник воситаларининг дислокация нуқталарини келишиш.	Маблағ талаб этилмайди	Уч ой муддатда	Ички ишлар вазирлиги (Ташпулатов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Қиймати ва молиялаштириш манбаси*	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
26.	Юк ташиш каркаси қоидаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида оғирлик ва ҳажм назорати тизимини яратиш.	Ҳисоб-китобларга асосан Йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2026 йил якунига қадар	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Умурзоқов)

* Лойиҳаларнинг аниқ қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 4 декабрдаги ПҚ–368-сон қарорига
10-илова

**Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича
идоралараро ишчи комиссия
ТАРКИБИ**

1. Ш.Умурзаков – Тошкент шаҳар ҳокими, *Ишчи комиссия раиси*
2. *Лавозимига кўра* – Тошкент шаҳар ҳокимининг транспорт ва йўл инфратузилмаси масалалари бўйича ўринбосари, *Ишчи комиссия раиси ўринбосари*
3. М.Юлдашев – Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи
4. А.Гурко – мустақил эксперт
5. М.Адилов – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи
6. А.Садиров – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи
7. М.Икрамов – Тошкент шаҳар Транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи
8. В.Хусанов – Тошкент шаҳар Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
9. Т.Эргашев – Тошкент вилояти Транспорт бошқармаси бошлиғи в.б.
10. М.Мухитдинов – Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи
11. А.Алиматов – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи в.б.

12. *Лавозимига кўра* – Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи
13. *Лавозимига кўра* – Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи
14. А.Хужанов – “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бошқаруви раиси в.в.б.
15. Ш.Пўлатов – “Тошкент шаҳар электр тармоқлари” МЧЖ раҳбари
16. Т.Грабович – “Хўдудгаз Тошкент” газ таъминоти филиали бошлиғи
17. Р.Усмонов – “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғи
18. *Лавозимига кўра* – “Telecom Soft” МЧЖ бош директори
19. У.Куланов – “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази” ДМ директори
20. М.Бердикличев – “Ўзбектелеком” АК раиси ўринбосари
21. С.Мамаджанов – “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ бош директори
22. С.Пардаева – “Veolia Energy Tashkent” МЧЖ директори
23. *Лавозимига кўра* – Тошкент шаҳрида Йўл ҳаракатини ташкил этиш маркази директори, *Ишчи комиссия котиби*

Изоҳ: *Ишчи комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юклатилган шахслар киритилади.*

